

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR МАНКАМАСИНинг
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 август 2018 й.г. № 617

Toshkent sh.

**Берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланишини
камерал назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солик
қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги
механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармонига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланишини
камерал назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси
ва Давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисидаги низом
иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий
хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсингар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон
Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Молия вазири Ж.А.Қўчкоров ва
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Н.С.Отажонов зиммасига
юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамисининг
2018 йил 3 августдаги
617-сон қарорига
илова

**Берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланишини камерал
назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва
Давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланишини камерал назорат қилиш мақсадида давлат солик ва божхона хизматлари ўртасида ахборот алмашиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларига мувофиқ божхона имтиёзлари берилган барча юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда солик тўловчилар деб аталади) татбиқ этилади.

3. Камерал назорат солик тўловчи томонидан белгиланган тартибда берилган молиявий ва солик ҳисботлари, божхона юк декларациялари, шунингдек, солик тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солик хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида Давлат солик қўмитаси томонидан амалга оширилади.

4. Куйидагилар Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ўртасида ахборот алмашиш предмети ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтадиган товарлар тўғрисидаги маълумотлар;

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилиниши назарда тутилган божхона юк декларациялари, товарлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб кираётган солик тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона имтиёзлари берилган
солик тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш тартиби**

6. Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона имтиёзлари берилган солик тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича Давлат солик қўмитасига онлайн режимда тақдим қиласи.

7. Божхона имтиёзлари берилган солиқ тўловчилар тўғрисида олинган маълумотлар ушбу маълумотлардан камерал назорат қилиш жараёнида фойдаланиш учун Давлат солиқ қўмитасининг ягона маълумотлар базасига автоматик тарзда киритилади.

3-боб. Давлат солиқ хизмати органларининг мажбуриятлари

8. Камерал назорат қилиш жараёнида давлат солиқ хизмати органлари:

камерал назорат қилишда солиқ тўловчиларни уларнинг хуқуклари ва мажбуриятлари билан таништиришга;

конун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар сирсақланишига риоя қилишга;

камерал назоратни тартибга солиш бўйича қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилишга мажбурдир.

4-боб. Камерал назорат қилиш механизми ва унинг натижаларини таҳлил қилиш

9. Давлат солиқ қўмитаси Давлат божхона қўмитаси ва солиқ тўловчилардан олинган маълумотлар асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан камерал назорат қилиниши мониторингини олиб боради.

10. Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчилар томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисботларини, шунингдек, божхона органларидан олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг божхона юқ декларацияларини таҳлил қилиш асосида ҳар чоракда божхона тўловлари бўйича имтиёзларни кўллаган барча солиқ тўловчилар бўйича берилган божхона имтиёзларидан фойдаланишни уларнинг фаолиятига аралашмасдан таҳлил қилиш асосида камерал назорат қилади.

11. Камерал назоратни амалга оширишда божхона тўловлари бўйича имтиёзлардан фойдаланишнинг мақсади ва олиб кирилаётган товарлардан амалда фойдаланиш солиштирилади, хусусан, давлат солиқ хизмати органлари томонидан:

унга мувофиқ божхона имтиёзлари берилган норматив-хуқуқий ҳужжатнинг мавжудлиги;

кўлланилган имтиёзларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши ва бўшаган маблағлардан норматив-хуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган мақсадда фойдаланиш;

товар-моддий захиралардан ва асосий воситалардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш ва имтиёзли даврнинг божхона тўловлари бўйича имтиёзлар кўлланилишига мувофиқлиги аникланади.

12. Камерал назорат қилишда давлат солиқ хизмати органи ходими божхона хизмати органидан божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллашга тааллуқли тегишли ҳужжатларни сўрашга ҳақли.

13. Камерал назорат натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шакл бўйича далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатномада тафовутлар ҳолатлари ва божхона имтиёзларидан белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадда фойдаланиш сабаблари күрсатилади.

14. Далолатноманинг битта нусхаси шу куннинг ўзида божхона имтиёзларидан белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадда фойдаланишга йўл кўйган солик тўловчига юборилади.

15. Камерал назорат жараёнида солик тўловчи аниқланган тафовутлар бўйича ёзма ёки электрон шаклларда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда асослашни тақдим қилиш хуқуқига эга.

5-боб. Камерал назорат натижаларини амалга ошириш механизми

16. Давлат солик қўмитаси берилган божхона имтиёзларидан белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадда фойдаланиш бўйича аниқланган ҳолатлар ва кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни ҳар чораклик асосида Давлат божхона қўмитасига юборади.

17. Давлат божхона қўмитаси аниқланган ҳолатлар тўғрисида маълумотлар олинганидан сўнг уч иш куни мобайнида ушбу маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар қўриш учун белгиланган тартибда худудий божхона органларига юборади.

6-боб. Якунловчи қоида

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланишини камерал назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисидаги низомга
1-илова

**Берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланишини камерал назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Ижро қилиш муддати
1-bosqich	Давлат божхона қўмитаси	ДСҚга божхона имтиёзлари берилган солик тўловчилар ҳақидаги маълумотларни онлайн режимда тақдим қилиш.	доимий асосда
2-bosqich	Давлат солик қўмитаси	ДБҚдан олинган маълумотларни ДСҚ ягона маълумотлар базасига автоматик тарзда киритиш.	уч кун муддатда
3-bosqich	Давлат солик хизмати органлари	1. ДБҚ ва солик тўловчилардан олинган маълумотлар асосида берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланишини ҳар чорақда камерал назорат қилиш. 2. Камерал назорат натижалари бўйича далолатномани расмийлаштириши. 3. Далолатноманинг бир нусхасини божхона имтиёзларидан белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадда фойдаланишга йўл қўйган солик тўловчига юбориш.	ҳар чорақлик асосида уч кун муддатда далолатнома расмийлаштирилган кунда
4-bosqich	Давлат солик қўмитаси	Берилган божхона имтиёзларидан белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадда фойдаланишнинг аниқланган ҳолатлари ва кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотларни ДБҚга юбориш.	ҳар чорақлик асосида
5-bosqich	Давлат божхона қўмитаси	Берилган божхона имтиёзларидан белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадда фойдаланишнинг аниқланган ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни конун хужжатларида назарда тутилган тартибда чора кўриш учун ҳудудий божхона органларига юбориш.	уч кун муддатда

Берилган божхона имтиёзларидан мақсадли
фойдаланишини камерал назорат қилиш бўйича
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва
Давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги
механизми тўғрисидаги низомга
2-илова

Божхона имтиёзлари берилган хўжалик юритувчи субъектлар ҳақида **МАЪЛУМОТ**

Берилган божхона имтиёзларидан мақсадли
фойдаланишини камерал назорат қилиш бўйича
Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва
Давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги
механизми тўғрисидаги низомга
3-илова

**Берилган божхона имтиёзларидан белгиланган мақсадлардан бошқа
мақсадда фойдаланишини камерал назорат қилишнинг
-сон далолатномаси**

(санаси)

(далолатнома тузилган жойи)

(камерал назорат қилган органнинг номи)

(текширувчиларнинг (текширувчининг) лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми)

(текширилаётган юридик шахснинг жойлашган жойи ва бўйисинуви)

(текширилаётган хусусий тадбиркорнинг фамилияси, исми,

отасининг исми (мавжуд бўлса) турар жойи, СТИР рақами)

давр учун

(камерал назорат даври)

масалалари бўйича

(камерал назорат масалалари рўйхати)

камерал назорат қилинди.

Текшириш қуйидаги ҳужжатлар асосида ўтказилди:

(текширилган аниқ ҳужжатлар рўйхати)

Текшириш давомида қуйидаги тадбирлар ўтказилди:

(текшириши чогида ўтказилган божхона назорати шаклари, бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар)

Текширилаётган юридик шахснинг номи ёки текширилаётган хусусий тадбиркорнинг Ф.И.О.: _____

Камерал текшириш

бошланди _____ якунланди.
(текшириши бошланган сана) (текшириши якунланган сана)

Худди шу масалалар бўйича текширилаётган давр учун олдинги божхона текширувлари _____

(ким томонидан ва қачон)

ўтказилди.

Божхона текшируви ўтказилиши натижалари бўйича куйидагилар аниқланди:

(ўрганиши натижаси, қарор қабул қилиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар)

Илова _____ варақда.

Камерал назорат қилган мансабдор шахслар (mansabdar shahs):

_____ *(имзо)*

_____ *(фамилияси, исми ва отасининг исми)*